

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ТИББИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МУАММОЛАРИ

Тагаев Мамаразак Абдиевич

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон, Тошкент ш.

Дўсимматов Кўкланбой Юлдошевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ 2-сонли Тошкент академик лицейи

Ўзбекистон, Тошкент ш.

Аннотация. Мақолада Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аҳвол оғирлашиб Ўзбекистонд ҳам болаларда безгак, кўкйўтал, ришта, ич кетиш ва қабзият, ошқозон ичак касаллиги, нимжонлик, қизамиқ, қоқшол касалликлари кўпайиб, болалар ҳаётига катта хавф солгани, бу касалликларни бартараф қилиш чоралари кўрилиб, бемор болалар Чимён санаториясига жўнатилгани ёритилган. Уруш ва урушдан кейинги давр оралиғидаги болалар тиббиётидаги айрим ютуқлар, муаммолар ва касалликларни бартараф этиш чора ва тадбирлари ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш, касаллик, болалар. касалхона, педиатр, сув, оналар, тадбирлар, даволаш, уруш, яхши, шаҳар, республика, қишлоқ.

РАЗВИТИЕ ДЕТСКОЙ МЕДИЦИНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И ПРОБЛЕМЫ УКРЕПЛЕНИЯ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ БАЗЫ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Тагаев Мамаразак Абдиевич

Ташкентский педиатрический медицинский институт.

Узбекистан, г. Ташкент.

Дўсимматов Кўкланбой Юлдошевич

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан №2 Ташкентский академический лице. Узбекистан, г. Ташкент.

Аннотация: В статье освещается, что в первые годы советской власти в Узбекистане резко возросла заболеваемость малярией, коклюшем, рахитом, диареей и запорами, заболеваниями желудочно-кишечного тракта, гриппом, корью, столбняком, что поставило под угрозу жизнь детей. Изложены некоторые достижения в области детской медицины в период между войной и послевоенным периодом, мнения о мерах и мероприятиях по преодолению проблем и болезней.

Ключевые слова: здравоохранение, болезнь, дети, больница, педиатр, вода, мамы, события, лечение, война, добро, город, республика, село.

DEVELOPMENT OF CHILDREN'S MEDICINE IN UZBEKISTAN AND THE PROBLEMS OF STRENGTHENING THE MATERIAL AND TECHNICAL BASE OF MEDICAL INSTITUTIONS

Tagaev Mamarazak Abdievich

Tashkent Pediatric Medical Institute. Uzbekistan, Tashkent.

Dosimmatov Koklanboy Yuldoshevich

*Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan No.2 Tashkent Academic
Lyceum. Uzbekistan, Tashkent.*

Annotation: *In the article, the situation worsened in the first years of Soviet power, malaria, whooping cough, rickets, diarrhea and constipation, gastrointestinal diseases, dysentery, measles, tetanus increased in children and posed a great threat to the lives of children, measures were taken. taken to eliminate these diseases, the sick children of Chimyeon were sent to a sanatorium. Some achievements of pediatric medicine between the war and post-war periods, problems and measures and measures to eliminate diseases are described.*

Key words: *healthcare, disease, children. hospital, pediatrician, water, mothers, events, treatment, war, kindness, city, republic, village.*

КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган, болалар тиббиёти соҳадаги ислохотлар, бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Бу мавзудаги тарихий жараёнларни ўрганиш, ундан сабоқ олиб, яшаётган кунининг кўплаб масалаларига ўтмишдан жавоб топиши мавзунинг долзарблиги ҳисобланади.

ИШНИНГ МАҚСАДИ

Адабиётлар, билан ишлаб, манба ва архив маълумотларини йиғиш, улар билан ишлаш ва таҳлили қилиш орқали Ўзбекистонда болалар тиббиётининг ривожланиши ва даволаш муасасасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муаммоларини ёритишдир.

Қўлланилган усуллар

Адабиётлар билан ишлаб уларни таҳлили орқали хулосалар қилинди.

Олинган натижалар муҳокамаси

Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам бошқа соҳалар қатори большевиклар мафкураси талаблари нуқтаи-назардан йўлга қўйилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мамлакатда аҳвол янада оғирлашиб, касалликлар авж олди. Камбағалчиликнинг кучайиши оқибатида қаровсиз болалар кўпайиб, моддий таъминот бузилди. Бунинг натижасида мамлакатда болаларда безгак, кўкйўтал, ришта, ич кетиш касалликлари кўпайди. Масалан, 1938 йилда республикада ич кетиш (понос) касаллиги билан 34797 та бола, ичбуруғ (дизентерия)

касаллиги билан 2 ёшгача бўлган 93446 та бола касалланган [1]. Бу республикада болалар ҳаётига катта хавф сола бошлади. 1939 йилда ошқозон ичак касаллиги, нимжонлик, қизамиқ, қоқшол, ич кетиш ва қабзият ва бошқа ҳар хил касалликлар билан касалланган. Бемор болалар Чимён санаторийсига жўнатилган [2].

Шундай вазиятда, 1939 йил 15 апрелда ЎзССР Халқ Комиссарлари советининг “1939 йилда болаларнинг ёзги ичбуруғ касалликларига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди [3]. Қарор асосида республикада касалликларни бартараф этиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, касалхоналарда 1939 йилда 735 та ўрин бўлган. Касал болалар учун қўшимча маслаҳатхона очилиб, уларга 36 та педиатр ва 60 та патронаж ҳамшира ажратилган. Бундан ташқари 29 та сут маҳсулотларини тарқатиш пунктлари фаолият олиб борди [4]. Кўрилган қатъий чора-тадбирлар туфайли болаларни даволаш поликлиникалари, санаторийлар, педиатр врачлар, сут ошхоналари ва бошқалар сони ошиб борган. Жумладан, 1939 йилда республикада 3 та санаторий бўлиб, шундан 2 таси сил касаллигига мўлжалланган. Яслилар 1495 тага, ундаги ўринлар сони 10472 тага, сут ошхоналари 38 тага, оналар ва болалар уйи 19 тага, ундаги ўринлар сони 782 тага етказилган. Уларга 146 та шифокор педиатр белгиланган [5].

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида болалар саломатлигини тизимли тартибга солиш йўлга қўйилди. 1940 йилга келиб қишлоқ жойларида ҳам педиатрия хизмати бирмунча яхшиланди. Жумладан, республика қишлоқларига 25 та акушер-гинеколог, 47 та педиатр жўнатилди, 29 хирург, офтальмолог ва отоларингологлар ҳам улар сафига қўшилди. 1922 йилда вабо, ўлат, 1931 йилда ришта, 1940 йилда эса чечак каби ўткир касалликлар тугатилди [6]. Беморларнинг қон алмаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун 1940 йилда Қон қуйиш институти ташкил этилди. Уруш арафасида республикада фақат 106 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 12000 бола тарбияланган. 1940 йили эса 61 та безгакка қарши станцияси ва 165 та безгакка қарши пунктлар мавжуд бўлган [6].

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан барча жисмоний ва иқтисодий омиллар фронт эҳтиёжлари учун сафарбар этилди. Бундай шароитда республикада ижтимоий аҳвол янада оғирлашиб, фронт орти районларидан жуда кўп болалар эвакуация қилинди. Уларнинг кўпчилиги оч, юпун, бетоб бўлганлиги сабабли республикада болалар касаллиги янада кўпайди. Жумладан: бу даврда болаларда меъда-ичак касалликлари, юқори нафас органлари касалликлари, айниқса юқумли касалликлар (қизамиқ, скарлатина, дифтерия) авж олган эди. Болаларни даволаш учун эса республикада болалар шифокорлари етишмас эди. 1941 йили Россиянинг ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш учун республика, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари

ташкил этилиб, 1941 йил 25 ноябрдан 1942 йил октябрга қадар 15649 нафар бола жойлаштирилди. 1942–1943 йиллар давомида болалар боғчаларида тарбияланган 53072 нафар боладан 15108 нафари эвакуация қилинган болалар эди. 1944-1945 йилларда фронтга кетган жангчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг фарзандларидан 149 минг нафари болалар боғчалари ва яслиларига жойлаштирилди. 1945 йилда Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 268 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардаги тарбияланувчилар сони 31300 тани ташкил этди [7].

Совет давлати ҳукмронлиги даврида Иттифоқ таркибида бўлган барча республикалар қатори, Ўзбекистонда ҳам болалар соғлиғини сақлаш тизимини талаб даражасига кўтариш, жумладан оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, педиатр-кадрлар, биринчи навбатда акушер-гинеколог врачлар билан таъминлаш даражасини тизимли йўлга қўйиш долзарб вазифа сифатида қўйилган. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР раҳбариятининг 1946 йилда “Ўзбекистон ССР аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида”ги қарори асосида соғлиқни сақлаш тизими бўйича 300 та педиатр мутахассис тайёрлаш, шунингдек болалар касалхоналари, поликлиникаларни кенгайтириш ва бирлаштириш вазифалари қўйилди [8]. Соғлиқни сақлаш тизими олдида касалхоналар қуриш, уларни жиҳозлаш, касалхоналарни қайта таъмирлаш каби долзарб муаммоларни ечиш масалари турарди. Шундай шароитда 1946–1966 йиллар мобайнида умумиттифоқ миқёсида санитария ҳолатини яхшилаш бўйича 10 га яқин ҳужжат қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида Ўзбекистоннинг табиий шароити ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, инсон саломатлигини сақлашда тоза ичимлик сувининг ўрни ҳисобга олиниб, республиканинг шаҳар ва туман марказларида аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида сув қувурларини ўтказиш ишлари олиб борилди. Масалан, 1956 йили республика шаҳарларида ичимлик суви қувурлари ўтказиш учун режа бўйича 10,8 млн рубль ажратилди. 1958 йил республиканинг 34 та туман марказларида сув қувурларини ўтказиши режалаштирилди [9].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий қийинчиликлар, ижтимоий муаммолар, аҳолининг моддий ночорлиги ва озиқ – овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, бунинг устига кўплаб аскарларнинг урушдан қайтмаганлиги ёки ногирон бўлиб қайтиши ишчи кучига бўлган эҳтиёжни ошириб юборган эди. Шундай вазиятда мамлакат халқ хўжалигини тиклаш ва аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш зарур эди. Урушдан кейинги йилларда республикада болалар ўлими, сурункали ўткир юқумли касалликлар, бугма (дифтерия), ревматизм, сил, ичкетиш, қоқшол, қизамиқ, кўкйўтал, безгак, сифилис, тиф, рахит лейшманиоз, гельминтоз, сийдик йўли, қон айланиши, нафас йўли, трахома, қўтир ва тери пиодермиялари ва бошқа касалликлари кўпайди [10].

Айниқса, мамлакатда фронтдан қайтган ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, етим болалар соғлиғига эътиборни кучайтириш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Республика ҳукумати мавжуд вазиятни барқарорлаштириш, болалар касаллиги кўпайишини олдини олиш ва саломатлигини яхшилаш чоратадбирларини кўрди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1947 йил 15 октябрида чиқарилган 233-сонли буйруғига биноан бир қатор ишлар қилиниб, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида янги касалхоналар ташкил этиш ва барча марказий туман касалхоналарида касаллар ётадиган жойлар сони эса 36 тагача етказилди. Шунингдек, ушбу тиббий-профилактика муассасаларини ихтисослаштирилган хирургия, терапия, юқумли касалликлар ва болалар касалликлари учун ажратиш назарда тутилди [11]. Шу ўринда 1946 йилда республика бўйича жами 383 та касалхона бўлиб, шаҳарларда 187 та ўринлар сони 18601 тага, қишлоқларда 196 та, ўринлар сони 6465 тани ташкил қилган. 1924 йилга нисбатан касалхоналар сони шаҳарларда 4,5 мартага, ўринлар сони 9,2 мартага, қишлоқ касалхоналари сони 25 мартага, ўринлар сони 61 мартага ўсган. 1951 йилга келиб касалхоналар сони шаҳарлада 1924 йилга нисбатан 6 мартага, қишлоқларда эса 28 марта ўсган. Улардаги ўринлар сони эса шаҳарларда 12 мартага, қишлоқ жойларида 76 мартага ўсганлигини кўриш мумкин [12].

1948 йилда “Болалар маслаҳатхоналари (поликлиникалари) билан болалар касалхоналари бирлаштирилди. Болалар саломатлиги учун масъул бўлган ягона педиатрия тизими ташкил қилиниши натижасида болалар туғилган пайтдан бошлаб то 14 ёшга тўлгунга қадар битта педиатр врач назоратида бўлиши белгиланди. Шунингдек, болаларни даволаш самарадорлигини ошириш учун амбулатория ва касалхонада даволаш усуллари бир – бирига яқинлаштириш, болалар саломатлигини узлуксиз назорат остига олиш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда Ўтган асрнинг – 50 йиллари бутун соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг моддий – техник асослари ва кадрлар билан таъминлаш ҳамда касалхона ва амбулатория – поликлиника тармоқларини бирлаштириш, болаларни педиатр врачлар назоратига ўтказиш йиллари бўлиб Ўзбекистонда болалар тиббиёти тарихи жараёнлари ривожланиш даврига кирди. Жумладан, Ўзбекистонда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиниш тарихига доир айрим тарихий тадқиқот натижалари илмий матбуотда эълон қилинди [13].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 2562-иш, 67-вароқ.
2. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 2568-иш, 65-вароқ.
3. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 2552-иш, 12-вароқ.

4. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 2559-иш, 69-вароқ.
5. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 2563-иш, 13-вароқ.
6. Хусанбаева А. Основные этапы развития сельского здравоохранения в Узбекистане. Автореф. Дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1969. – С.9-16.
7. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2 китоб. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Тошкент: “Шарқ”, 2000. – Б.456-459.
8. Расулова Н.Ф. Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиш тарихи. – Тошкент, 2011. – Б.103
9. ЎЗР МДА, Р-837-фонд, 38-рўйхат, 9182-иш, 17-вароқ.
10. ЎЗР ИТТХДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 9432-иш, 186-вароқ.
11. Расулова Н.Ф., Закирова У.С., Мухамедова Н.С. Развития педиатрии Ўзбекистане современном этапе. – Ташкент. 2018. – С.27. (122).
12. Жовлиев А.А. Ўзбекистонда хирургиянинг ривожланиш тарихи. Тиб. фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2001. – Б.95.
13. Арипова Т., Кажинская М.А. Развитие охраны материнства и детства в Самаркандской области за 1965-1970 гг. // Мед.журн. Узбекистана. – 1974. – № 10. – Б. 18-20.
14. Рустамбаев, М. Х., Мухаммадиев, Н. Е., & Абдухаликов, С. (2019). Миллий гвардия хизматчилари (ходимлари) нинг касб этикаси. Тошкент, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти.
15. Худайбердиев А. К. Духовно-нравственные факторы охватывают безопасность в условиях глобализации //Молодой ученый. – 2014. – №. 6. – С. 875-879.
16. Нурматова, М. А., Жабборов, Ю. Д., Умарова, Н. Х., Худайбердиев А. К. (2014). Некоторые особенности духовно-нравственного воспитания студентов средних вузов. Молодой ученый, (6), 868-870.
17. Худайбердиев А. К., Алимова М. М., Абдуназаров О. А. Значение манипуляций как угрозы информационно-психологической безопасности личности //Научный аспект. – 2015. – №. 1-1. – С. 97-100.
18. Хайтматова Г. А., Худайбердиев А. К., Каримова М. Ж. Генезис ревкомов как уполномоченных органов советской власти в Туркестане //Молодой ученый. – 2015. – №. 8. – С. 790-793.
19. Умарова Н. Х., Каримова М. Ж., Худайбердиев А. К. Взаимосвязь духовного развития личности студентов выпускников вузов с успехом их развития профессиональной деятельности //Научный аспект. – 2015. – №. 1-2. – С. 134-137.
20. Худайбердиев А. К., Алимова М. М., Абдуназаров О. А. Значение манипуляции как воздействия информационно-психологической безопасности личности //Научный аспект. – 2015. – №. 1-1. – С. 97-100.
21. Худайбердиев А. К., Одилова Д. Б. Процессы глобальной и информационной базы //Научный аспект. – 2016. – №. 1. – С. 76-79.



22. Худайбердиев А. К. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари // Міжнародний науковий журнал Інтернаука. – 2017. – №. 2 (2). – С. 181-183.
23. Худайбердиев А. К. УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ МОЛОДЕЖИ ОТ ВРЕДНОЙ ИНФОРМАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ (Социально-философский анализ) //Россия и мусульманский мир. – 2019. – №. 3. – С. 36-41.
24. Худайбердиев А. ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 912-918.
25. Rasulovich, T. S., Kurbankulovich, K. A., Jamoliddinovna, K. M., Samadovich, T. K., & Tulkinovich, S. K. (2022). Forms and Characteristics of Virtual Spiritual Threats. *Telematique*, 7146-7155.
26. Шойимова Ш.С., Исаходжаева С.Д. Касбий – педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. *Интернаука* №7-2 (89), часть 2, 2019 г. С 82-83.
27. Шойимова Ш.С., Усманова С.Х. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар. *Интернаука* №7 (89), часть 2, 2019 г. С 84-85.
28. Шойимова Ш.С., Файзиева М.Д. Меҳнат жараёнида субъектнинг касбий шаклланиш муаммоси. *Интернаука* №23-4 (105), часть 4, 2019 г. С 48-49.
29. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. *Интернаука* №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.
30. Умаров Б.М., Шойимова Ш.С. Касбий психология. Дарслик. «LESSON PRESS» Тошкент, 2018.
31. Шойимова Ш.С. Мутахассис шахсининг касбий камолоти масалалари. *Интернаука* №19 (195), часть 6, 2021 г. С 19-21.
32. Tagayev, Mamarazak A. "ISSUES OF DRINKING WATER SUPPLY IN UZBEKISTAN (1960-1980)." *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY* 3.03 (2022): 61-65.
33. Karimova, Muyassar. "Crafts and trade in the Kokand Khanate." Available at SSRN 3656770 (2020).
34. Хайтматова, Г. А., Умарова, Н. Х., & Одилова, Д. Б. (2021, March). НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. In *The 6th International scientific and practical conference "Science and education: problems, prospects and innovations"* (March 3-5, 2021) CPN Publishing Group, Kyoto, Japan. 2021. 643 p. (p. 542).